



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 7 » aprel

№ 165

Toshkent sh.

### **Давлат экологик назорати ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПФ–46-сон Фармони ҳамда “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ–4845-сон қарори ижросини таъминлаш, атроф муҳитни ва моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасида давлат назоратини янада такомиллаштириш, шунингдек, ушбу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси), Бош прокуратура ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида фуқароларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган “**Эконазорат**” ва “**Маданий мерос назорати**” ахборот тизимлари (кейинги ўринларда – ахборот тизимлари) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Бош прокуратуранинг моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича **фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни юборган шахсларни:**

ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараварига тенг** миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантириш;

жарима, шу жумладан, маъмурий жарима билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чораси қўлланган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарорига мувофиқ рағбатлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Давлат экология қўмитаси ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги (кейинги ўринларда – Маданий мерос агентлиги) ахборот тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича масъул органлар ҳисобланади;

б) ахборот тизимларидаги мобил иловалар қуйидаги имкониятларни назарда тутаяди:

давлат экологик назорати объектлари, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолияти ҳамда чиқиндилар ва моддий маданий мерос объектлари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

жисмоний шахслар томонидан аниқланган экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарлик (кейинги ўринларда – соҳага оид ҳуқуқбузарликлар) тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни Давлат экология қўмитаси ҳамда Маданий мерос агентлигига манзил (географик) белгилари бўйича юбориш;

соҳага оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган жисмоний шахсларни пул мукофотлари билан рағбатлантириш;

соҳага оид ҳуқуқбузарликлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва статистик маълумотлар базаси билан танишиш;

содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳужжатларини (баённома ва қарорларни) электрон шаклда тузиш орқали ушбу ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни Ички ишлар вазирлигининг “E-ma'muriy ish” тизимиغا киритиш;

**2022 йил 1 майдан бошлаб** ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашуви бўйича давлат кадастри ва уларнинг мониторинги тўғрисидаги маълумотлардан очик фойдаланиш;

мобил иловалар орқали тақдим этилган фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувлар бўйича масъул органлар томонидан амалга оширилган ишлар ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан аввал берилган мажбурий кўрсатмалар ва талабномалар бўйича амалга оширилган бошқа зарур чора-тадбирлардан хабардор бўлиш;

худудлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида аниқланган соҳага оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотларни жорий этиш ҳамда юритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Давлат экология қўмитаси:

**бир ой муддатда** фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувлардаги шахнинг юз қиёфаси бўйича биометрик маълумотлар базасидан шахсини аниқлашга ихтисослашган аппарат-дастурий комплексни харид қилишни молиялаштириш манбаи тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

келгусида биометрик маълумотлар базасига техник талаблар асосида қўшимча аппарат-дастурий комплексни жойлаштириш ва “Папилон-Полифейс” тизимига интеграция қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Давлат экология қўмитаси ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 майга қадар** ахборот тизимларининг мазкур қарор 3-бандида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун интеграция қилиниши билан боғлиқ зарур ишларни амалга оширсин.

Бунда қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш учун рухсатномалар беришга масъул ташкилотлар берилган рухсатномаларни уларнинг амал қилиш жойлашувини кўрсатган ҳолда ахборот тизимига мустақил киритиш чораларини кўрсин:

маданий мерос объектларида тадқиқотлар, қидирувлар ўтказиш, маданий мерос объектларида илмий-консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш;

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш;  
судан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш.

6. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин:

жисмоний шахслар томонидан юборилган соҳага оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш ҳамда қайд этиш тартиби ва шартлари;

видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳамда кўриб чиқишни рад этиш тартиби;

соҳага оид ҳуқуқбузарликлар қайд этилган фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни юборган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳамда шартлари.

7. Давлат экология кўмитаси **2023 йил 1 декабрга қадар** кўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Давлат экология кўмитасининг давлат инспекторларини, шунингдек, фаолияти атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини назорат қилишга ихтисослаштирилган прокуратура органлари ходимларини зарур ускуналар (планшетлар, бодикамералар ва бошқалар) билан таъминласин ҳамда “Эконадзорат” ахборот тизимининг тўлиқ ишлаши учун сервер ускуналарини харид қилсин.

8. Давлат экология кўмитаси ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда соҳага оид ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг юз қиёфасини аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ахборот тизимларида ҳуқуқбузарликлар акс этган фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарлар шахсини аниқлаш ва уларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш билан шуғулланувчи масъул ходимларни белгиласин;

б) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамамов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 7 апрелдаги 165-сон қарорига  
1-илова

**Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш,  
кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни  
рағбатлантириш тартиби ҳақида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жисмоний шахсларнинг видеокузатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобил қурилмалари (кейинги ўринларда — видеотехника воситалари) орқали қайд этилган экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар (кейинги ўринларда – ҳуқуқбузарлик) акс эттирилган фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни (кейинги ўринларда – фото ва видео материаллар) қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материалларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

**2-боб. Ҳуқуқбузарликларни видеотехника воситалари  
орқали қайд этиш**

3. Жисмоний шахслар ҳуқуқбузарликни видеотехника воситалари орқали қайд этиши ҳамда фото ва видео материалларни:

экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик бўйича – “Эконазорат” ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси);

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик бўйича – “Маданий мерос назорати” ахборот тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигига (кейинги ўринларда – Маданий мерос агентлиги) кўриб чиқиш учун юбориши мумкин.

4. Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материалларда қуйидагилар аниқ акс эттирилиши лозим:

содир этилган ҳуқуқбузарлик;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);

маданий мерос объектининг номи (тегишли ҳуқуқбузарлик бўйича);

ҳуқуқбузарлик содир этилган манзил, сана ва вақт.

5. Ҳуқуқбузарликлар акс эттирилган фото ва видео материалларга ҳар қандай тарзда ўзгартиришлар киритиш тақиқланади. Ўзгартириш киритилган фото ва видео материаллар кўриб чиқилмайди, ҳажмини қисқартириш мақсадида видеоёзувнинг бевосита ҳуқуқбузарлик акс эттирилган қисмини кесиб олиш бундан мустасно.

6. Ҳуқуқбузарлик ҳолати акс эттирилган фото ва видео материалларни “Эконазорат” ва “Маданий мерос назорати” ахборот тизимларига юборишда қуйидагилар тўлиқ кўрсатилиши лозим:

фуқаронинг исми, фамилияси, отасининг исми, доимий яшаш манзили; уяли телефон рақами, банк пластик картаси рақами ва электрон манзили;

ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, сана ва вақт;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса).

### **3-боб. Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш**

7. Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материаллар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали ҳуқуқбузарликлар қайд этилган фотосурат ва видеоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

8. “Эконазорат” ва “Маданий мерос назорати” ахборот тизимларига келиб тушган ҳуқуқбузарлик қайд этилган фото ва видео материаллар тегишлилиги бўйича Давлат экология кўмитаси ёки Маданий мерос агентлигининг масъул ходими томонидан ўн беш иш куни мобайнида кўриб чиқилади, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ўрганилади ва ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш мақсадида фото ва видео материаллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юборилади.

9. Ҳуқуқбузарлик ҳақидаги фото ва видео материаллар Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинади, фото ва видео материаллар сифати ва материалларда акс этган шахснинг ташқи юз қиёфаси шахсни аниқлашга яроқлилиги текширилади, шундан сўнг ҳуқуқбузарнинг шахси аниқланади ва тегишлилиги бўйича ўн иш куни мобайнида Давлат экология қўмитаси ёки Маданий мерос агентлигига юборилади.

Фото ва видео материалларни қабул қилиш ва ҳуқуқбузарнинг шахси аниқланганлиги натижаларини тегишлилиги бўйича юбориш автоматик ва электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

10. Давлат экология қўмитасининг масъул ходими беш иш куни мобайнида:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий баённома ва жазо чораларини қўллаш юзасидан ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштиради ҳамда Ички ишлар вазирлигининг “E-ma'muriy ish” тизимига киритади;

жарима солиш тўғрисидаги тегишли қарор ва тайинланган жаримани тўлаш учун тўлов варақаси (квитанция)ни ҳуқуқбузарнинг электрон почта манзилига электрон шаклда, телефон рақамига “смс” хабарнома шаклида ёки яшаш манзилига почта орқали юборади. Бунда тегишли қарор ва тўлов варақаси (квитанция) ҳуқуқбузарга бевосита тақдим этилиши ҳам мумкин.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича кўриб чиқиш ваколати мавжуд бўлмаса, ҳужжатлар бир иш куни мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли судга ёки бошқа ваколатли органга юборилади.

11. Маданий мерос агентлигининг масъул ходими беш иш куни мобайнида Ички ишлар вазирлигининг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи “E-ma'muriy ish” тизими орқали ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

12. Агар содир этилган ҳуқуқбузарликда жиноят аломатлари аниқланса, фото ва видео материаллар бир кун ичида ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига юборилади.

13. Қуйидаги ҳолларда видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материаллар асосида иш юритиш тугатилади ҳамда бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинади:

фото ва видео материаллар мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган талабларга жавоб бермаганда ёки сифатсиз бўлганда;

фото ва видео материаллар “Эконазорат” ва “Маданий мерос назорати” ахборот тизимларига мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда юкланганда;

фото ва видео материалларга ўзгартиришлар киритилган бўлса, мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ички ишлар органлари томонидан фото ва видео материалларда акс эттирилган ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш имкони бўлмаганда;

фото ва видео материалларда қайд этилган ҳуқуқбузарлик бўйича қарор қабул қилинган ёки маъмурий иш (жиноят иши) юритилаётган тақдирда.

14. Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материалларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан уни юборган шахсга ҳуқуқбузарлик (жиноят) бўйича жарима ундирилган пайтдан эътиборан ўн беш кун муддатда электрон шаклда жавоб юборилади.

#### **4-боб. Ҳуқуқбузарликлар қайд этилган видеоёзувларни юборган шахсларни рағбатлантириш**

15. Ҳуқуқбузарлик акс этирилган фото ва видео материалларни юборган шахслар:

дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш бўйича – ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида;

экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги бошқа ҳуқуқбузарлик бўйича – ҳуқуқбузардан ундирилган жарима миқдорининг ўн беш фоизи миқдорида;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарлик бўйича – ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Ҳуқуқбузарлик бўйича суд томонидан жарима, шу жумладан, маъмурий жарима билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо чораси қўлланган ҳолларда, фото ва видео материалларни юборган шахс Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарорига мувофиқ рағбатлантирилади.

16. Ҳуқуқбузарлик акс этирилган фото ва видео материалларни юборган шахслар уяли телефон рақамини ёки банк пластик картаси рақамини кўрсатиш орқали рағбатлантириш пули қандай усулда қабул қилиб олинишини кўрсатиб ўтади.

17. Рағбатлантириш:

ҳуқуқбузарлик бўйича биринчи хабар берган шахсга нисбатан қўлланилади;

ҳуқуқбузарлик тегишли органлар томонидан бевосита аниқлангандан сўнг келиб тушган хабарлар бўйича амалга оширилмайди;

жарима ундирилган пайтдан эътиборан ўн беш кун муддатда унинг тегишли органлар ҳисобида қолдириладиган қисмидан амалга оширилади.

18. Рағбатлантириш ҳуқуқбузардан жарима ундирилгандан сўнг фуқаронинг уяли телефон рақами ҳисобига ёки банк пластик картасига тегишлилиги бўйича Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ёки Маданий мерос жамғармаси ҳисобварағига ўтказилган маблағлар ҳисобидан автоматик тарзда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

19. Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фото ва видео материалларни тақдим этган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

20. Ушбу Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

21. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш,  
кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни  
рағбатлантириш тартиби ҳақидаги низомга  
ИЛОВА

**Видеотехника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги  
фото ва видео материалларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни  
тақдим этган шахсларни рағбатлантириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Амалга ошириш муддатлари
1-босқич	Жисмоний шахслар	Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар (кейинги ўринларда – ҳуқуқбузарлик) тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни (кейинги ўринларда – фото ва видео материаллар) юбориш.	Ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтда
2-босқич	Давлат экология қўмитаси, Маданий мерос агентлиги	1.Жисмоний шахс томонидан юборилган ҳуқуқбузарлик ҳақидаги фото ва видео материалларни қабул қилиш. 2.Ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганиш. 3.Ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигига фото ва видео материалларни юбориш.	Ўн беш иш кунида
3-босқич	Ички ишлар вазирлиги	1. Ҳуқуқбузарлик ҳақидаги фото ва видео материалларни қабул қилиш. 2.Фото ва видео материалларнинг сифати ва материалларда акс этган шахснинг ташқи юз қиёфаси шахсни аниқлашга яроқлилигини текшириш. 3.Фото ва видео материаллардаги ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш. 4.Ҳуқуқбузар шахси тўғрисидаги маълумотларни тегишлилиги бўйича Давлат экология қўмитаси ва Маданий мерос агентлигига юбориш.	Ўн иш кунида

4-босқич	Давлат экология кўмитаси	<p>1. Ҳуқуқбузарга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий баённома ва жазо чораларини кўллаш юзасидан ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш ва Ички ишлар вазирлигининг ягона маълумотлар базасига киритиш ёки тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун тааллуқли судга юбориш.</p> <p>2. Жарима солиш тўғрисидаги тегишли қарор ва тайинланган жаримани тўлаш учун тўлов варақаси (квитанция)ни ҳуқуқбузарнинг электрон почта манзилига электрон шаклда, телефон рақамига смс хабарнома шаклида ёки яшаш манзилига почта орқали юбориш.</p> <p>3. Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича кўриб чиқиш ваколати мавжуд бўлмаган тақдирда ҳужжатларни тегишли судга ёки бошқа ваколатли органга юбориш.</p>	Беш иш кунда  Беш иш кунда  Бир иш кунда
	Маданий мерос агентлиги	<p>Ички ишлар вазирлигининг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи “E-ma'muriy ish” тизими орқали ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларига кўриб чиқиш учун тақдим этиш.</p>	Беш иш кунда
5-босқич	Давлат экология кўмитаси, Маданий мерос агентлиги	<p>1. Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни пул мукофоти билан рағбатлантириш.</p> <p>2. Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсга мурожаати натижалари юзасидан маълумотларни юбориш.</p>	Ҳуқуқбузарлик бўйича жарима ундирилган пайдан эътиборан ўн беш кун муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 7 апрелдаги 165-сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 мартдаги 265-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Қарорга 7-иловада:**

4-бандга қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

“моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатлари ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахсларни ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантириш”;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**2. Қарорга 12-илованинг 21-бандида:**

иккинчи хатбошидаги “меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 35,2 фоизи” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,06 баравари” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари” сўзлари билан алмаштирилсин.

